**Emro Science and Education**
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · “Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnologik tarmoqlardagi o‘rni” mavzus...

*materiallar to‘plami*

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ САЛОХИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Умарова Ёқутхон Авазбек қизи, Андижон Машинасозлик Институти**

**1-босқич магистратура талабаси**

**Муфтайдинов Қ, Андижон Машинасозлик Институти**

**“Иқтисодиёт” кафедраси профессори, Андижон, Ўзбекистон**

Аннотация: Замонавий ахборот технологияси воситаларинг шахар иқтисодиётидаги ўрни ва ахамияти. Иқтисодиётнинг турли тармоқларига ахборот технологиларининг тадбиқ этилиши.

Калит сўзлар: Ахборот технологиялари, корхона, тадбиркорлик, ривожланиш, иқтисодиёт.

Андижон вилояти, қолаверса бутун Ўзбекистон Республикаси бўйлаб ахборот технологияларинг қўлланилиши жадаллашганлиги рост ва ушбу технологияларнинг 21 аср хаёт тарзи ва иқтисодиётини тубдан ўзгартирганлигини 19 аср революцияси бўлмиш темир йўл ва 20 асрнинг революцияси автомобилларга қиёслаш мумкин. Ривожланган ахборот технологияларидан фойдаланган холда янги саноат турлари пайдо бўлди ва иқтисодиётнинг анъанавий секторларида бизнесни олиб боришнинг янги усуллари пайдо бўлди. Сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг илдам одимлар билан ривожланиб боришида иқтисодиётга ахборот-коммуникация технологияларининг кенгроқ жорий этилиши ўз самарасини бермоқда. Айниқса, банк тизимига ахборот технологияларининг кириб келиши бу йўналишдаги серхаражат ишларни янгича ташкил этиш ва такомиллаштиришга шароит яратди. Миллий иқтисодиётга электрон пулларнинг жорий этилиши ва ундан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги асосий дастаклардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизнинг иқтисодиёти юқори суръатлар билан ривожлангани сари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида эришилаётган ютуқлар сони ҳам ортиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг таянч соҳаларидан бири ҳисобланган банк-молия соҳасида ҳам ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, Интернет тармоғидан фойдаланиб пул муомаласида нақдсиз тўловлар улушининг ортиб бориши иқтисодиёт учун катта аҳамиятга эгадир. Мустақиллик йилларида масофавий банк хизматлари орасида энг кенг оммалашаётган турлардан бири бу “интернет-банкинг”дир. Интернет-банкинг бу банк мижозларига ўз ҳисоб рақамларини Интернет орқали бошқариш имконини берувчи хизмат туридир. Бошқача айтганда, бу термин замирида банкларнинг одатий веб-сайтларидан тортиб то мураккаб виртуал тўлов ва ҳисоб-китоб тизимларигача бўлган жараён ётади.



Published: 10.11.2023

**Cite this article:** Умарова Ёқутхон Авазбек қизи, Муфтайдинов Қ. (2023). Андижон вилояти иқтисодий салохияти ривожлантиришда ахборот технологияларининг ўрни. Emro Science and Education, 1(1). https://journal.emro.uz/public/maqola/722

*© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.*

Бундан ташқари ахборот технологиятари кичик ва катта тадбиркорлик субъектларига ўз савдоларини осон ва самарали амалга оширишга ёрдам берди. Бунга яққол мисол қилиб юртимизда 2022 йил март ойида Djuzum SPV Ltd ва Ильшат Хаметовлар томонидан ташкил этилган «Uzum» платформасини кўрсак бўлади. Ушбу платформа ёрдамида юртимиздаги, жумладан Андижон вилоятидаги юзлаб тадбиркорлар, дўкон очиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни четлаб ўтиб, интернет орқали, виртуал тарзда ўз савдоларини амалга ошириш ва даромад олиш имкониятига эга бўлишди ва харидорларга хам уйдан чиқмасдан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳарид усули қисқа вақт ичида манзур бўлиб улгурди.

Бугунги кунда ахборот технологиялари сохаси энг йирик иш берувчи сохаларидан биридир. Жумладан 2023 йилда ўткан йилгига нисбатан IT сохасидаги иш ўринлари 20 % га ошди. Биргина 2020 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 511-сонли “Андижон вилоятида ахборот технологияларига ихтисослашган технологик паркни ташкил этиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори билан Андижон шахар ҳудудини ўзида 2 та йирик технопарт ташкил этилди ва хар бирида 50 тадан ходим ишлайди ва уларнинг таркиби кенгайиб, йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бундан ташқари шахар иқтисодий инфраструктурасининг таркибий қисми бўлмиш ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўз ҳизматлари сифати ва тезлигини ошириш мақсадида “виртуал омбор”, реклама, электрон касса-аппарат тизимлари ва х.к. лар яратиш учун ахборот технологиялари ва SMM сохасида фаолият олиб борувчи мутахассисиларга талабни кучайтирмоқда.

Бугунги кунда кўплаб ҳизмат турлари интернет орқали онлайн олса бўлади ва бундай хизматларни барча сохаларда топиш мумкин. Жумладан давлат хизмат сохасида Ягона интерактив давлат ҳизматлари порталининг яратилиши давлат органлари томонидан тақдим этиладиган электрон давлат хизматларидан уйдан чиқмасдан туриб фойдаланиш имкониятини яратди. Тадбиркорлик субъектлари хам хўжалик юритувчи субъектни рўйхатдан ўтказишдан тортиб, фаолиятининг кўп жихатларида ушбу порталдан кенг фойдаланиб келишмоқда.

Бундан ташқари, ахборот технологиялари тадбиркорлик субъектлари учун харидорга етиб бориш ва ўз махсулотларини янада кенгроқ оммага реклама қилиш имкониятини берди. Республикамизда фаолият олиб бораётган 80 % корхоналар интернет тармоғида вэб-сайтларига ёки турли ижтимоий тармоқларда очилган гурухларига эга ва сўнгги йилларда интернетдаги оммавий ахборот воситалари қудратли маркетинг қуролига айланиб улгурди.

Мамлакат ва шаҳарнинг иқтисодиётида ахборот технологиялари шунчалик катта ўрин эгаллаб улгурган экан, ушбу сохани янада ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- “Рақамли тадбиркорликни” ривожлантириш орқали янги инновацион маҳсулотларни яратиш, ишлаб чиқаришнинг интенсив имкониятларини самарали қўллаш ва такомиллаштириш;

- рақамли иқтисодиётни ва рақамли тадбиркорликни шакллантиришда инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш орқали жаҳон бозорига интеграциялашув жараёнини жадаллаштириш;
- телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли уяли алоқа, кенг полосали интернетдан фойдаланиш имкони билан таъминлаш;
- рақамли иқтисодиёт шароитида илм сиғими, илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишланмаларини кўпайтириш, шунингдек “виртуал фирмалар” фаолиятини ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва Республикада хам “виртуал фирмалар” фаолиятини кенгайтириш;

**Фойдаланилган адабиётлар:**

4. Bytes and Bullets in Korea, chapter 1, Role of Information Technology Revolution in Economic Develompent. Alexandre Y. Mansurov.

5. 2020 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 511-сонли “Андижон вилоятида ахборот технологияларига ихтисослашган технологик паркни ташкил этиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори.

6. https://my.gov.uz/uz/pages/mission

7. Иқтисод ва молия 2020, 3(135) Толаметова З.А. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида рақамли тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари.

# TEXNIK TA’LIM YO‘NALISHLARIDA KREDIT-MODUL TIZIMI

**Boboyorov B.N, f.f.b falsafa doktori (PhD), dotsent,**
**Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Nurafshon filiali, Toshkent, O‘zbekiston**
**Boboyorov Sh, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti magistri**

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada ta’limdagi zamonaviy axborot texnologiyalari, jumladan, zamonaviy ta’limni tashkil etishda kredit-modul tizimining o‘rni va ahamiyati tahlil qilingan.

**Аннотация:** В данной статье анализируются роль и значение современных информационных технологий в образовании, в том числе кредитно-модульной системы в организации современного образования.

**Annotation:** This article analyzes the role and importance of modern information technologies in education, including the credit-modular system in the organization of modern education.

**Kalit so‘zlar:** ta’lim, axborot texnologiyalari, kredit-modul tizimi, xalqaro reyting, samaradorlik.

**Ключевые слова:** образование, информационные технологии, кредитно-модульная система, международный рейтинг, эффективность

**Key words:** education, information technology, credit-modular system, international rating, efficiency

O‘zbekistonning jadal rivojlanishi, keng qamrovli islohotlar istiqboli, xalqning farovon bo‘lishi yoshlar ta’lim-tarbiyasi va kelajagiga beriladigan e’tibor darajasiga chambarchas bog'liq. Shu ma’noda, O‘zbekistonda yoshlar masalasi davlat siyosatining eng ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. O‘zbekiston Prezidentining **“2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi** farmonida Taraqqiyot strategiyasi va uni 2022-yilda amalga oshirish bo‘yicha “yo‘l xaritasi”da mamlakatimizni rivojlantirishning 7 ta ustuvor yo‘nalishi doirasida qariyb 100 ta maqsadlarga erishish nazarda tutilmoqda. To‘rtinchi ustuvor yo‘nalish-adolatli ijtimoiy siyosat yuritish, inson kapitalini rivojlantirishning 46-maqsadi: Oliy ta’lim bilan qamrov darajasini 50 foizga yetkazish va ta’lim sifatini oshirish deb nomlanib, unda qator vazifalari qo‘yilgan.

Koronavirus pandemiyasi sharoitida inson hayotining barcha jabhasida misli ko‘rilmagan o‘zgarishlar sodir bo‘lmoqda. Elektron ta’lim – axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosidagi ta’limning turli ko‘rinishlarini anglatuvchi keng jarayon bo‘lib, pandemiya davri juda keng ommalashmoqda. “...xalqimiz bilan birga pandemiya sharoitida, barcha talablarga amal qilgan holda, ishlash va yashashga o‘rganishimiz kerak”, deb ta’kidlaydi O‘zbekiston Prezidenti SH.M.Mirziyoev [1; 2b].

E-learning o‘z ichiga elektron o‘quv kontenetlarni bilim oluvchiga etkazish usulidan kelib chiqib guruhlarga ajratish mumkin: birlamchi (yagonalik) model, ikkilamchi (ikkilangan) model, aralash model, konsortsium, franchayzing, validatsiya va h.z.